

8 ёшли фаластинлик бола 8 ойда Қуръонни тўлиқ ёд олди



09:31 / 15.01.2019 4962

Al-Bayan нашрининг хабар беришича, Ғазо секторининг Жабалия шаҳрида яшайдиган Али Иваз саккиз ёшга тўлган. У бундан саккиз ой аввал Қуръони каримни ёд олишни бошлаган эди. Аввал Каломуллоҳдан бир бетини эшитиб ёд олган. Оқисталик билан маълум вақт ўтиб, бетлар сонини ошириб борган. Ниҳоят бир кунда 16 бет ёд олишга муваффақ бўлган. Шу тариқа Аллоҳнинг иродаси билан саккиз ойда муқаддас китобни тўлиқ ёд олишга муваффақ бўлади. У ҳар куни Қуръоннинг 45 бетини ёддан такрор қилар экан. Маълум бўлишича, Али шу кунларда Ғазо секторидаги энг ёш ҳофиз Қуръон ҳисобланади.

Islom.uz портали таҳририяти